

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

426 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини синаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 23 майдаги ПҚ-1972-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек юқори самарали қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасини, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларини ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) устави 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази томонидан, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасининг янги турларини қўллаган ҳолда, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологиялари синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Марказ:

2013 йилнинг 1 октябригача — «Ўзстандарт» агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ҳамда технологиялари синовларини ўтказиш соҳасида халқаро стандартларни жорий этиш бўйича комплекс дастурни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

хар йили 1 августгача — келгуси йилда синовдан ўтадиган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ҳамда технологиялари рўйхатини, шунингдек Марказнинг режалаштирилаётган даврда хўжалик ҳисобидаги фаолиятдан маблағлар тушиши ва улардан фойдаланиш прогнозини шакллантирсин ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси:

фундаментал, амалий ва инновация илмий-техника дастурларини шакллантиришда уларга қишлоқ хўжалиги, мелиорация техникаси ва қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг ресурсларни тежайдиган замонавий технологиялари ишлаб чиқилишини ва ишлаб чиқаришга жорий этилишини назарда тутувчи илмий лойиҳалар киритилишини таъминласин;

илмий-техника дастурлари доирасида ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологиялари синовларининг Марказда мажбурий ўтказилишини амалиётга киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ҳамда технологияларининг ўтказилган синовлари натижалари бўйича ишлаб чиқилган Марказ тавсияларини, қишлоқ хўжалиги экинларини, экин майдонлари жойлаштирилишини, механизациялаштирилган ишлар ҳажмларининг ва агротехнологияларни ҳисобга олган ҳолда тегишли (пахтачиликни ривожлантириш, ғаллачиликни ривожлантириш, сабзавот-полиз экинлари, мева ва узумчиликни ривожлантириш ҳамда уларни комплекс қайта ишлаш, чорвачиликни ривожлантириш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ирригацияни ривожлантириш ва ерлар унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва кимёлаштириш муаммолари бўйича) Кенгашларда кўриб чиқсин, шунингдек уларни республикада ишлаб чиқариш ёки импорт бўйича сотиб олиш юзасидан қарор қабул қилсин;

хар бир минтақанинг тупроқ-иқлим шароитлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтининг тегишли технологик паркларида қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг ресурсларни тежайдиган замонавий технологиялари синовларини ўтказишда Марказга Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда халқаро молия институтлари (ХМИ)даги Бошқарувчилар Офислари, Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда ХМИ ва донор мамлакатларнинг грантлари ва техник қўмаклашиш маблағларини жалб этишга ёрдам берсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги республика бюджетидан:

республика корхоналарида серияли ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникасининг даврий синовларини 2014 йил 1 январдан бошлаб ўтказишга;

Марказни синовлар ўтказиш учун жорий йил учун кўзда тутилган зарур қишлоқ хўжалиги техникаси ва транспорт воситалари билан жиҳозлашга — 2013 йилнинг 1 сентябригача, кейинги йил учун — 2014 йилнинг 1 июнигача маблағлар ажратсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ

хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 1 август,
214-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 1 августдаги 214-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини
сертификатлаш ва синаш давлат марказининг
УСТАВИ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек ушбу Уставга амал қилади.

Марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

3. Марказ илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, шу жумладан хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига, рамзга, штампга ва бланкага, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бошқа реквизитларга эга бўлади.

4. Марказнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ — О'zbekiston qishloq xo'jalik texnikasi va texnologiyalarini sertifikatlash va sinash davlat markazi;

қисқача — О'zQTTSDM;

б) рус тилида:

тўлиқ — Узбекский государственный центр по сертификации и испытанию сельскохозяйственной техники и технологий;

қисқача — УзГЦИТТ.

5. Жойлашган жойи (почта манзили): Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбахор посёлкаси, Ёшлик кўчаси, 5-уй.

II. Марказнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг соҳа илмий — тадқиқот институтлари билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг ресурсларни тежайдиган замонавий технологиялари синовларини ўтказиш соҳасида янги стандартлар, услубий ҳужжатлар ва тартиботларни ишлаб чиқиш ва амалдагиларини қайта кўриб чиқиш;

сериялаб ишлаб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш мақсадида қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасини, уларнинг агрегатлари ва узелларининг тажриба намуналари синовларини ўтказиш;

маҳсулот сифатининг барқарорлигини назорат қилиш ва уни ишлаб чиқаришни давом эттириш имкониятини аниқлаш мақсадида серияли ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси синовларини ўтказиш;

республикада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уни қўллаш самарадорлигини аниқлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасининг, шу жумладан хорихда ишлаб чиқарилганларининг бошқа турдаги синовларини ўтказиш;

қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасининг бошқа янги турларини қўллаган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг ресурсларни тежайдиган замонавий технологиялари синовларини ўтказиш;

чет эл ва мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси тавсифларининг халқаро стандартларга ва норматив-техник ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида сертификатлаш синовларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиш.

7. Марказ ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

синовлар ўтказишнинг илғор жаҳон тажрибасини ўрганади ва ресурсларни тежайдиган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ҳамда технологияларини жорий этишга кўмаклашади;

агротехнология талабларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

республиканинг турли минтақаларида қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ҳамда технологиялари синовларини ўтказиш режасини тузади;

қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ҳамда технологиялари синовларини ўтказиш юзасидан буюртмачилар билан шартномалар тузади;

республиканинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ҳамда технологияларини қўллаш самарадорлигини ва уларнинг ишончлилигини аниқлайди;

чет эл ва мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси, уларнинг агрегатлари, узелларининг стандартларга мувофиқлигини аниқлайди;

талабаларни, муҳандис-техник ходимлар ва механизаторларни (операторларни) замонавий қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ҳамда технологияларидан самарали фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш кўникмаларига ўқитишни амалга оширади ва уларга сертификатлар беради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

III. Марказнинг ҳуқуқлари

8. Марказ ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

амалдаги стандартлар, методик ҳужжатларнинг, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасини, уларнинг агрегатлари ва узелларини ишлаб чиқариш технологиясининг миллий ва халқаро норматив ҳужжатларга мувофиқлигини ўрганиш;

бошқарув органларидан (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзагротмашсервис» уюшмаси, «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва бошқалардан) ҳамда хўжалик юритувчи субъектлардан (қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналаридан, таъмирлаш ва сервис корхоналаридан, аккредитация қилинган синаш ташкилотларидан ва бошқалардан) янги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалдагиларини қайта кўриб чиқиш учун зарур бўлган маълумотлар ва ахборотларни сўраб олиш;

ўтказилган синовлар натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва агрокимё кенгашига қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси, уларнинг агрегатлари ва узелларини импорт бўйича олиш ва уларнинг янги намуналарини серияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасининг янги турларини қўлланган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларини жорий этиш юзасидан тавсиялар киритиш;

даврий синовлар ўтказиш учун тайёр маҳсулотлардан, республикада серияли ишлаб чиқарилаётган ёки импорт қилинаётган маҳсулотлардан қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси намуналарини танлаб олиш;

бошқа синаш ташкилотларининг ва ишлаб чиқарувчилар, шунингдек етказиб берувчилар маҳсулотларининг қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси техник тавсифномаларининг белгиланган стандартларга ва нор-

матив-техник хужжатларга мувофиқлиги юзасидан ўтказилаётган синовларда қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига, «Ўзстандарт» агентлиги ва бошқа ваколатли органларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли чоралар кўриш учун, аккредитация қилинган бошқа синаш ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси, агрегатлар ва узелларни ишлаб чиқарувчилар ҳамда етказиб берувчилар томонидан стандартлар ва норматив-техник ҳужжатлар талабларининг бузилиши ҳолатлари тўғрисида ахборотлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг устувор давлат грантларини амалга ошириш бўйича танловларда қатнашиш.

IV. Марказнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги

9. Марказ қуйидагиларга мажбур:

ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга амал қилиш;

техника хавфсизлиги бўйича белгиланган қоидаларга риоя этган ҳолда синаш ишларини амалга ошириш.

10. Марказ ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан жавоб беради.

V. Марказ фаолиятини бошқариш

11. Марказни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бош директор бошқаради.

Бош директор ўринбосарлари Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси раҳбари билан келишган ҳолда Марказнинг бош директори буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

12. Марказнинг бош директори:

Марказ фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда Марказга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

белгиланган тартибда Марказнинг штат жадвалини тасдиқлайди ва зарурат бўлганда, Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси раҳбари билан келишган ҳолда Марказнинг тасдиқланган ташкилий тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга;

Марказ ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Марказ ходимларининг бажариши мажбурий бўлган буйруқлар, фармо-йишлар ва йўриқномалар чиқаради, уларнинг бажарилиши юзасидан назо-ратни ташкил қилади;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

13. Истиқболли ва жорий режаларни кўриб чиқиш, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ҳамда технологияларининг барча турларини дав-лат синовларидан ўтказиш сифатини ошириш, ягона техника сиёсатини ўтказиш, синовлар натижаларини, шунингдек синовлар бўйича норматив-методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга доир илмий-тадқиқот ишлари натижаларини муҳокама қилиш учун Марказда Илмий-техника кенгаши ташкил этилади, унинг таркиби ва Низоми Марказнинг бош директори томонидан тасдиқланади.

VI. Марказнинг мол-мулки ва унинг фаолиятини молиялаштириш

14. Марказнинг мол-мулки:

тезкор бошқариш ҳуқуқи билан Марказга бириктирилган мол-мулклар; Марказ фаолиятидан олинган даромадлар;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.

Марказ мол-мулкининг қиймати мустақил балансда акс эттирилади.

15. Марказнинг мол-мулкини тасарруф этиш қўйидаги ҳолатларда Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Марказ бош директори томонидан амалга оширилади:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;

мол-мулкни бошқа хўжалик жамиятларининг устав фондига улуш сифатида киритиш;

хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш;

Марказ мол-мулкини бошқача тарзда тасарруф этиш.

Бунда бинолар ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаганларини) сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган маблағларни тақсимлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

16. Марказ фаолиятини молиялаштириш:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси грантлари;

халқаро молия институтларининг грантлари;

корхоналар ва ташкилотлар билан шартномалар бўйича бажариладиган ишлардан олинadиган даромадлар;

хомийлик ёрдами тарзида берилadиган маблағлар;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

VII. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш

17. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 1 августдаги 214-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази томонидан, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасининг янги турларини қўллаган ҳолда, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологиялари синовларини ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ўтказадиган синов турларини, синов ўтказиш режаларини шакллантириш қоидаларини, маҳсулотларни синаш ва уларни истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида синовдан ўтказилган маҳсулот ҳолатининг амалдаги норматив-техник ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини назорат қилиш тартибини белгилайди.

2. Низом республика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасининг, улар агрегати ва узелларининг барча намуналарига, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасининг янги турлари қўлланган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларига татбиқ этилади.

3. Марказда 1-иловага мувофиқ рўйхат бўйича республика корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасининг, улар агрегати ва узелларининг барча намуналари, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасининг янги турларини қўллаган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг ресурсларни тежайдиган замонавий технологиялари мажбурий синовдан ўтказилиши керак.

4. Маҳсулотларни синовдан ўтказиш шартлари, шу жумладан уларни етказиб бериш муддатлари, уларга илова қилинадиган зарур ҳужжатлар

рўйхати ва таркиби халқаро ва давлат стандартларига мувофиқ синовларнинг буюртмачиси ва Марказ томонидан тузиладиган шартномада белгиланади.

II. Синовлар турлари

5. Синовдан ўтказилаётган маҳсулот ўз вазифасига кўра синовларнинг куйидаги турларидан бирида синовдан ўтказилади:

давлат синовлари — импорт қилинадиган ёки бюджет маблағлари ҳисобига ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси намуналарининг давлат комиссияси (маҳсулотларнинг энг муҳим турларини алоҳида синаш учун махсус ташкил этиладиган) ёки Марказ томонидан ўтказиладиган синовлар;

дастлабки синовлар — маҳсулотларнинг тажриба намуналарини ва/ёки тажриба туркумларини қабул қилиш синовларига тақдим этиш имкониятини аниқлаш мақсадида уларнинг назорат синовлари;

қабул қилиш синовлари — ишлаб чиқаришга қўйиш ёки импорт қилишнинг мақсадга мувофиқлиги, ёхуд вазифасига кўра фойдаланиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш мақсадида ўтказиладиган республикада ишлаб чиқариладиган ёки импорт қилинадиган тажриба намунасини синаш;

даврий синовлар — маҳсулот сифатининг барқарорлигини ва уни ишлаб чиқаришни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлигини назорат қилиш мақсадида норматив-техник ҳужжатларда белгиланган ҳажмда ва муддатларда ўтказиладиган серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг назорат синовлари;

малака синовлари — корхонанинг ушбу турдаги маҳсулотни белгиланган ҳажмда ишлаб чиқаришга тайёрлигини баҳолаш мақсадида ўтказиладиган белгиланадиган сериянинг ёки биринчи саноат туркумининг назорат синовлари;

тур синовлари — буюртмачини қизиқтирадиган буюмнинг тавсифини аниқлаш мақсадида у билан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бўйича бажариладиган синовлар;

сертификация синовлари — маҳсулотга хос бўлган хоссаларнинг стандартларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган маҳсулотларнинг назорат синовлари;

такрорий синовлар (ҳакамлик синовлари) — тез-тез такрорландиган — фойдаланиш ёки ишлаб чиқариш билан боғлиқ носозликларнинг сабаблари ва хусусиятини аниқлаш мақсадида махсус дастур бўйича амалга ошириладиган тайёрловчи завод томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг охириги туркумидан танлаб олинган техника намуналарини синаш;

янги қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасини қўллаган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларини синовдан ўтказиш.

6. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасини синовдан ўтказиш муддатлари норматив ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

III. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ва технологияларини синовдан ўтказиш ишларини амалга ошириш тартиби

7. Келгуси йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ҳамда технологияларини синовдан ўтказиш ишларини бажариш учун ҳар йили ноябрь ойидан кечикмай уларни синовдан ўтказиш режаси тузилади.

8. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ҳамда технологияларини синовдан ўтказиш режаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзагроماشсервис» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, маҳсулотларни тайёрловчи корхоналар ва қишлоқ хўжалиги техникасини импорт қилувчи ташкилотларнинг (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) таклифлари асосида шакллантирилади.

Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ҳамда технологияларини синовдан ўтказиш режаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол товарлари масалалари комплекси билан келишилади.

9. Синовларни ўтказиш режасига мувофиқ буюртмачилар билан шартномалар тузилади. Шартномаларда маҳсулотларни синовдан ўтказиш шартлари ва муддатлари, уларни етказиб бериш муддатлари, молиялаштириш тартиби, уларга илова қилинадиган зарур ҳужжатлар белгиланади.

10. Синов ўтказиш учун тақдим этилаётган маҳсулотлар намуналари Марказда қабул қилиш-топшириш далолатномаси бўйича қабул қилинади.

11. Маҳсулот синаш учун қабул қилиб олингандан кейин унинг сақланиши учун синов тамом бўлгунга қадар Марказ жавоб беради.

12. Синов 2, 3 ва 4-иловаларга биноан стандартлар ва норматив-техник ҳужжатларнинг белгиланган талабларига қатъий мувофиқ равишда ўтказилади.

13. Синовлар натижалари баённома билан расмийлаштирилади ва уларнинг нусхалари буюртмачига ҳамда кўриб чиқиш ва улар бўйича тегишли қарор қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва кимёлаштириш кенгашига юборилади.

Кенгашнинг ижобий қарори қабул қилинган тақдирда маҳсулот ишлаб чиқаришга жорий этилади.

14. Синов тамом бўлгандан кейин барча маҳсулот қабул қилиш-топшириш далолатномаси бўйича буюртмачига қайтарилади.

IV. Даврий синовларни ўтказишнинг алоҳида шартлари

15. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасининг даврий синовлари қуйидаги муддатларда ўтказилиши керак:

тракторлар ва ўзиюрар машиналар — ҳар икки йилда бир марта;
қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари — ҳар уч йилда бир марта.

16. Мунтазам равишда туркумлаб импорт қилинадиган (бир йилда 5 та ва ундан ортик) маҳсулотлар модели улар сифатининг барқарорлигини назорат қилиш мақсадида даврий синовларни ўтказиш учун тақдим этилиши керак, бунда:

даврий синовлар маҳсулотни республикага етказиб бериш бошлангандан кейин ҳар икки йилда ўтказилади;

маҳсулотларни синаш учун етказиб бериш маҳсулотлар импортини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан таъминланади.

17. Бартараф этиш учун маҳсулотларни бўлақларга ажратиш талаб қилинадиган носозликнинг ҳар бир ҳолати, шунингдек хизмат кўрсатувчи ходимларнинг хавфсизлигига хавф туғдирувчи йўл-транспорт ҳодисалари юз бериши мумкинлигига олиб келувчи, экологик муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи носозликлар тўғрисида Марказ улар аниқланган кундан бошлаб бир ой муддатда синовларнинг буюртмачисига, «Ўзстандарт» агентлигига, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўздавтехназорат» инспекциясига уларни бартараф этиш юзасидан шошилиш чоралар кўриш учун маълумот юбориши шарт.

V. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ҳамда технологияларни синовдан ўтказишда Марказнинг жавобгарлиги

18. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ҳамда технологияларини синовдан ўтказишда Марказ:

қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ҳамда технологияларини синовдан ўтказишнинг ҳақиқийлиги ва тўлиқлиги ҳамда унинг натижаларининг ишончлилиги;

синовларнинг миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши;

қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ҳамда технологияларини синовдан ўтказишга бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан мақсадли фойдаланилиши учун жавоб беради.

VI. Яқунловчи қоидалар

19. Синовларни ўтказиш (даврий синовлардан ташқари) бўйича бажарилган ишлар учун тўлов Марказ билан буюртмачи ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

20. Ўзбекистон Республикаси корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасининг даврий синовлари учун тўлов бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

21. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон
қишлоқ хўжалиги техникаси ва технология-
ларини сертификатлаш ва синаш давлат
маркази томонидан синовларни ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Марказда синовдан ўтиши мажбурий бўлган республика
корхоналарида ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинаётган
қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси, уларнинг агрегат
ва узеллари, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва мелиорация
техникасининг янги турларини қўллаган ҳолда қишлоқ
хўжалиги экинлари етиштиришнинг ресурсларни
тежайдиган замонавий технологиялари намуналари
РЎЙХАТИ**

**1. Тракторлар (кичик ўлчамли, қуввати 18 кВт гача бўлганла-
ридан ташқари)**

филдиракли тракторлар;
занжирли тракторлар;
қишлоқ хўжалиги ишлари учун тракторлар;
уларнинг агрегат ва узеллари.

**2. Кичик ўлчамли тракторлар, мотоблок ва мотокультиватор-
лар (қуввати 18 кВт гача):**

3. Экиш ва кўчат ўтқазиш машиналари

трактор сеялкалари, қадагич ва кўчат ўтқазиш машиналари;
уларнинг агрегат ва узеллари.

4. Ўғитлар солиш машиналари

минерал ва органик ўғитлар сочгич ва таксимлагичлар;
минерал ва кимёвий ўғитлар тарқатиш машиналари;
уларнинг агрегат ва узеллари.

5. Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш машиналари

суюқлик ва кукунларни пуркагич ва чанглатгичлар, ранецли, пневма-
тик ва тракторларга ўрнатишга ёки тракторлар билан шатакка олишга мўлжал-
ланган пуркагич ва чанглатгичлар;

ўзиюрар машиналар;

уларнинг агрегат ва узеллари.

6. Ҳосилни йиғиштириш машиналари

ҳосилни йиғиштириш машиналари, шу жумладан ғалла ўриш ва пахта
териш комбайнлари, майдалаш машинаси ёки механизмлари, кўрак йиғиш
машиналари, кўсак чувийдиган машиналар, ғўза пояларини йиғиштиргич ва
майдалагичлар, қатор ораларининг ўроқ машиналари (мева ва бошқа қиш-
лоқ хўжалиги маҳсулотларини тозалаш, навларга ажратиш учун ўзиюрар
машиналар);

маккажўхори ўриш комбайнлари;
картошка йиғиштириш комбайнлари;

кулупнай ва илдизмевалиларни йиғиштириш машиналари, лавлаги поя-
сини кесиш машиналари ва лавлаги йиғиштириш машиналари, силосни ўриб-
йиғиш машиналари;

узум йиғиштириш комбайнлари;
уларнинг агрегат ва узеллари.

7. Юклаш-тушириш воситалари:

қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун махсус мўлжалланган кўтариш,
кўчириш, юклаш ёки тушириш машиналари ва қурилмалари;

бир ковшли юклагичлар;
қишлоқ хўжалиги тракторларига осиб ишлатиладиган юклагичлар;
уларнинг агрегат ва узеллари.

8. Ўт ўриш, пичан ва похол тайёрлаш машиналари

тракторларга тақиладиган, тиркаладиган ва ўрнатиладиган ўроқ маши-
налари;

пичан тайёрлаш машиналари: айлантиргич, ён хаскашлар ва пичан ағдар-
гичлар;

пичан ва похолни тойлаш учун пресслар, шу жумладан йиғиштирувчи
пресслагичлар;

озуқани бўлаклагичлар, озуқани майдалагичлар, озуқани аралаштиргич-
лар;

уларнинг агрегат ва узеллари.

9. Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналари дизеллари

кичик ўлчамли тракторлар ва кичик механизация воситаларининг қув-
вати 16 кВт гача бўлган дизелларидан ташқари;

уларнинг агрегат ва узеллари.

10. Тиркамалар ва ярим тиркамалар

тракторлар тиркамалари;

цистерна тиркамалари;

уларнинг агрегат ва узеллари.

**11. Тиркамали, осиладиган ва ўрнатиладиган тупроққа ишлов
бериш машиналари**

плуглар, бороналар, юмшатгичлар, культиваторлар, тупроқ кесгичлар,
мотигалар, поллогичлар;

уларнинг агрегат ва узеллари.

**12. Қишлоқ хўжалиги ишларини бажарадиган кичик механи-
зация воситалари**

тиркамали, ярим тиркамали, осиладиган, ярим осиладиган, ўрнатилади-
ган, кичик ўлчамли тракторлар ва мотоблокларга агрегатланадиган машина-
лар;

уларнинг агрегат ва узеллари.

13. Мелиоратив, суғориш, қуритиш машиналари

сув таъминоти учун насослар ва насос агрегатлари;

буриладиган ва бурилмайдиган отвалли занжирли бульдозерлар;

филдиракли бульдозерлар;
грейдер ва дала текислагичлар;
уларнинг агрегат ва узеллари.

14. Филдиракли ва занжирли экскаваторлар

уларнинг агрегат ва узеллари.

15. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасининг янги турлари қўлланилган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг ресурсларни тежайдиган замонавий технологиялари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси
ва технологияларини сертификатлаш ва синаш
давлат маркази томонидан синовларни ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

426-модда

Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасини синовдан ўтказиш (давлат синови, дастлабки синов, қабул қилиш синови, даврий синов, малака синови, турга оид синов, такрорий синов) МЕХАНИЗМИ

Босқичлар	Тадбирлар	Масъуллар	Муддатлар
1-босқич	Маҳсулотни синов ўтказиш учун буюртмачи билан шартнома (контракт) тузиш ва имзолаш.	Синовлар буюртмачиси ва Марказ	Синовлар буюртмачиси мурожаат этган кундан бошлаб 5 кун мобайнида
2-босқич	Маҳсулот намунасини синаш учун қабул қилиш.	Синовлар буюртмачиси ва Марказ	Тегишли агротехника муддати бошлангунгача 15 кундан кечикмай
3-босқич	Маҳсулотни бирламчи техник экспертизадан ўтказиш.	Марказ	5 кун мобайнида
4-босқич	Маҳсулотни пишитиш ва лаборатория-стенд синовларини ўтказиш.	Марказ	Синовларнинг ишчи дастурига мувофиқ
5-босқич	Далада агрофон танлаш, дала шароитларида агрозоотехник ва фойдаланиш-технологик кўрсаткичларни аниқлаш.	Буюртмачи вакили иштирокида Марказ	Синовларнинг ишчи дастурига мувофиқ
6-босқич	Пухталиқни ва меҳнат шароитларини аниқлаш мақсадида маҳсулотлардан хўжалиқ шароитларида фойдаланиш.	Марказ	Бир агротехника мавсуми мобайнида
	Заруриятга қараб маҳсулотнинг пухталигини аниқлаш мақсадида Марказда юклаш стендларида жадаллаштирилган синовлар ўтказиш.		Синовларнинг ишчи дастурига мувофиқ
7-босқич	Маҳсулотни узел ва деталларга бўлаклаб якуний техник экспертиза ўтказиш.	Марказ	Синовлар тугагандан кейин 10 кун мобайнида
8-босқич	Синов натижаларини пухта ишлаш ва тавсиялар берган ҳолда синов баённомасини расмийлаштириш.	Марказ	Техник экспертизадан кейин 7 кун мобайнида

— 20 —

32 (584) -сон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси
ва технологияларини сертификатлаш ва синаш
давлат маркази томонидан синовларни ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

32 (584)-сон

**Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасининг янги турларини қўллаган ҳолда
қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг ресурсларни тежайдиган замонавий
технологиялари синовларини ўтказиш
МЕХАНИЗМИ**

Босқичлар	Тадбирлар	Масъуллар	Муддатлар
1-босқич	Технологияларни синовдан ўтказиш учун буюртмачи билан шартнома (контракт)лар тузиш ва имзолаш.	Синовлар буюртмачиси ва Марказ	Синовлар буюртмачиси мурожаат этган кундан бошлаб 5 кун мобайнида
2-босқич	Технологиялар ҳужжатларини ва технологияни бажаришда қатнашадиган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасини қабул қилиш.	Синовлар буюртмачиси ва Марказ	Тегишли агротехника муддати бошлангунча 15 кундан кечикмай
3-босқич	Далада агрофонни ва технологияда ишлатиладиган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси таркибини танлаш.	Буюртмачи вакили иштирокида Марказ	Синовларнинг ишчи дастурига мувофиқ
4-босқич	Агрозоотехник ва технологияда қатнашадиган техника намуналарининг фойдаланиш-технологик кўрсаткичларини аниқланган ҳолда тажрибалар ўтказиш.	Буюртмачи вакили иштирокида Марказ	Синовларнинг ишчи дастурига мувофиқ
5-босқич	Қишлоқ хўжалиги экиннинг ўсишини ҳисобга олиш ва кузатиш.	Марказ	Қишлоқ хўжалиги экини вегетацияси даврида
6-босқич	Технологияларнинг самарадорлигини аниқлаш.	Марказ	Синовларнинг ишчи дастурига мувофиқ
7-босқич	Синов натижаларини пухта ишлаш ва тавсиялар берган ҳолда синов баённомасини расмийлаштириш.	Марказ	Синовлар тугагандан кейин 10 кун мобайнида

— 21 —

426-модда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази томонидан синовларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

426-модда

Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасини сертификатлаш МЕХАНИЗМИ

Босқичлар	Тадбирлар	Масъуллар	Муддатлар
1-босқич	Маҳсулотни сертификатлашга буюртма ва ҳужжатларни қабул қилиш.	Буюртмачи ва Марказ	Буюртмалар тушишига кўра
2-босқич	Буюртма ва ҳужжатларни сертификация бўйича қўйиладиган талабларга мувофиқлиги жиҳатидан таҳлил қилиш.	Марказ	2 кундан кечикмай
3-босқич	Маҳсулотни сертификатлаш учун шартномани расмийлаштириш.	Марказ	1 кун
4-босқич	Сертификатлаш синовларига маҳсулотнинг намуналарини идентификация қилиш ва танлаш.	Буюртмачи вакили иштирокида Марказ	1 кун
5-босқич	Маҳсулот хоссаси тавсифларининг миллий (халқаро) стандартларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган маҳсулотнинг сертификатлаш синови.	Буюртмачи вакили иштирокида Марказ	3 кун
6-босқич	Олинган натижаларни таҳлил қилиш ва маҳсулотга мувофиқлик сертификати бериш имконияти мавжудлиги тўғрисида қарор қабул қилиш.	Марказ	1 кун
7-босқич	Синов баённомасини расмийлаштириш ва маҳсулотга мувофиқлик сертификати бериш.	Марказ	1 кун

— 22 —

32 (584) -сон